

Жамиятнинг асосий фаолияти таркибидаги корхоналар томонидан автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш ҳисобланади.

Бугунги кун ҳолатига Жамиятда 29 нафар ҳамда таркибидаги корхоналарида 1 500 дан ортиқ ходимлар фаолият юритмоқда.

Жамият таркибидаги корхоналар ва буюртмачилар ўртасида 57 та объект бўйича тузилган шартномаларга асосан 2025 йил 9 ойликда 186,4 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари режасини амалда 187,5 млрд сўмга (100,6%) бажарилди (2-илова).

Бугунги кунда йўл қурилиш объектларини олиш тендер орқали амалга оширилаётганлиги сабабли, корхоналарни рейтинг кўрсаткичларини ҳамда тендерларда ютиб олиш имкониятини ошириш бўйича қўрилган чораларга асосан республикадаги автомобиль йўллари кўприклар ва йўл ўтказгичларини қуриш таъмирлаш соҳасида 10 та корхонамиз ижобий рейтинг кўрсаткичларига эга.

Корхоналар томонидан 2025 йил 9 ой давомида “Шаффоф қурилиш” орқали ва бошқа буюртмачилар томонидан ташкил этилган 387,0 млрд сўмлик 244 та тендерларда иштирок этилиб, шундан 97,6 млрд сўмлик 46 та объектлар Жамиятнинг 7 та корхонаси томонидан ютиб олинди ва икки томонлама пудрат шартномалар тузишга эришилди (3-илова).

Жамиятнинг 2025 йил 9 ой бизнес-режасига кўра, жамиятни сақлаш харажатлари учун таркибидаги корхоналардан ажратма ва дивиденд кўринишида жами 5,57 млрд сўм даромад олиниши белгиланган бўлиб, амалда 3,2 млрд сўм даромад олинган (режага нисбатан 57,5% га бажарилди).

Шунингдек, жамият томонидан 2025 йил 9 ой якунига билан 28,7 млн сўм соф фойда олинган (режага нисбатан 115 % га бажарилди).

Жамиятнинг 2025 йил 9 ой якуни бўйича самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи (KPI) режаси 100,0%га бажарилди.

Доимий равишда корхоналарни соҳада рақобатбардош корхоналарга айлантириш ҳамда ходимлар малакасини ошириш чоралари қўриб борилмоқда.

Бош мутахассис Ж.Бегалиев